

Бизнинг Туркистонда бошлаб татар муаллимлари ва сўнгра туркистонли ёшларимиз тарафиндан ёлгуз эр болаларга махсус янги мактаблар очила бошлагонига 15 йилдан ошди. Бу муддатда хозиргача бугун Туркистон ўлкасида 50 дан ортук мактаблар очилди, лекин камоли шармандалик ила икрор бўлурга мажбурмиким, шул муддатда ва шунча мактаблар каторинда болаларимизнинг ярмини ташкил этган кизларимиз учун намуна бўлурлик бир дона «Кизлар мактаби» очилмади, тўгриси, очарга харакат килинмади. Холбуки, бизнинг Туркистон ёшлари орасида кизлар тарбиясининг ахамиятини билатургон зотлар йўк эмас, оз бўлса хам бор эди. Бас, нима учун бу йўдда улар тарафиндан бирлар кадам босилмади?

Бу саволга жавоб ўрнинда баъзи кишилар айтатургонлардирким: киз болаларни ўқитмок учун Туркистонда икгидорли муаллималаримиз йўк эди. Татар кардошларимиздан муаллималар кетирарга замони мусоид йўк эди. Яъни эски хукумат монёъ бўла эди. Шунинг учун бу тўгрида айб ёшларимизда эмас, замондадир.

Мен бўлсам мундай сатхи юзаки жавобларга хеч вақт кўнмайман. Менимча, бу харакатсизликларнинг сабаблари бошка тарафдан келган. Мана шул очик хакикатдир: бизнинг ислом дини хотунларга ўзга динлардан кўброк хукук берган ва хурмат кўрсатган, илм ўрганишнинг карзлигини эркаклар билан баробар хотун-занларга фарз этган бўлса хам, лекин биз мусулмонлар, бохусус, биз туркистонлилар неча замонлардан бери бу ҳақдаги ислом хукмлариндан ва ислом таълимотиндан кўз юмиб, хотинлар хукукини поймол этиб ва аларни ўзимизга асир хукминда юрутуб келмакдамыз. Куръони карим адолат килмок шартила тўртгача хотун олмокни тажвиз этган экан, бизлар мундай шартларни хеч бир риоят этмай, кўп хотун олмок пайгамбаримизнинг суннати, савоб деб ўзлигимизча уч-тўрт хотун оламыз ва аларга истагимизча, чарчаганимизча жавр ва зулм килиб келамыз. Ислом шариати зарурат вақтиндагина талокга рухсат берган экан. Биз мусулмонлар шахсий гаразларимиз ва фосид муддаоларимиз билан гунохсиз хотунларимизни сабабсиз талок килиб юборамиз ва аларни тириклай кабрга тикамыз. Пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссалом барча муслим ва муслималарга илм ўрганишнинг фарзлигини очик суратда билдирган экан. Бизлар ўз кизларимизни мактабга юбормай, чор девор орасинда хайвон каторинда камаб кўямиз ва аларни илму тарбия шарафиндан, дунё саодатиндан махрум этамыз.

Нима учун бизлар ўз кизларимизни ўқутмаймыз? Чунки аларнинг вазифалари уй ишлари ва бола тарбиясидангина иборат эмиш. Аммо эр болалар эса, ўкиб чикгондан сўнг кози, мударрис, имом, лоакал муаллим, мирзо ва савдогар бўлалар эмиш. Шунинг учун буларни ўқутмок керак эмиш.

Мана, биз мусулмонлар неча асрлардан бери шундай ёмон одатлар ва бузук эътикодлар билан яшаб келган ва бу одат билан эътикод бизларнинг тамоман рухимизда ва конимизда сингишиб колган. Шунинг таъсири иладирки бизнинг Туркистон ёшлари нуфузимизнинг ярмини ташкил этган беш миллионлик маънавий хамшираларимиз учун 15 йил ичинда лоакал бир дона мунтазам мактаб очмадилар ёки хотунлар хукукини химоя учун бирор турли харакат килмадилар.

Матбуотимизга келсак, 15 йил ичинда Туркистонда неча турли газета ва мажмуалар чикоридди. Лекин аларнинг («Садои Туркистон»дан бошка) хеч бирисинда бу тўғрида ахамиятли бир макола ёзилмади. «Садои Туркистон» газе-тасинда хотун-кизлар хакинда бир неча маколалар ёзилди. Чунки ул газетанинг мухаррири татар кардошларимиздан Абдурауф афанди Музаффар[1] эди. Агар ул газета бизнинг кўлимизда бўлса эди, унда хотунлар тўғрисида бирор макола ҳам ёзилмагон бўлур эди.

14-15нчи йилларда мазлума хотунларни химоя этиб, ўз шевамизда икки дона тиётру рисоласи нашр этилди. Бу рисоалар татар ёшлари тарафиндан тақдир этилиб, Самаркандда такрор сахнага кўйилгон бўлса ҳам, лекин Туркистон ёшлари тарафиндан курук хусни таважжух кўрмак шарафигада нойил бўлмади.

Русия инкилоби кабириндан сўнг татар кардошларимиз хотунлар хукуки тўғрисида кўллариндан келганча тиришдилар. Курултойларинда бу хусусда музокара ва мубохасалар этдилар.

Аmmo бизнинг Туркистон ёш ва зиёлилари хотунларнинг хукукини талаб этарлик шундай мавке ва мажлисларда хозир бўлгонларида бу хақда хидмат ўрнинда жиноят килиб келдилар. Чунончи, Масковда бўлгон умуммуслмонлар курултойига боргон туркистонли бир вакилимиз хотунлар хукукинда сўз очилгоч, хеч бир уёлмайинча мажлисда чикиб айтган эдики: «Биродарлар! Бизнинг Туркистон хотунлари татар хотунлари истаган хукукни истамаслар. Зинхор бу тўғринда бизнинг хотунларни котишдирмангиз!»

Бултур Хўкандда Туркистон Мухторияти эълон килингон курултойда Самарканддан борган муслима бир вакилага хотинлар хукукидан сўйларга мажлис тўриндаги ўз зиёлиларимиз тарафиндан рухсат берилмаган эди.

Ушбу сўнг кунларда Туркистон маркази бўлгон Тошкандда «Халк дорилфунуни»нинг ибтидоий кисми номи ила ўнлаб мактаблар билан «дорилмуаллимин» курси очилди. Аммо булар каторинда кўпдан бери тўрт кўз ила кутиб турдикимиз бир дона «Кизлар мактаби» очилмади. Лоакал, «дорилфунун» шўросининг келар замонда шундай мактаблар очарга ташаббус этажаги хакинда бирор хабар эшитилмади.

Хулоса, хозиргача бизнинг Туркистон ёшлари, кизларни ўкутмок ва хукуки машруъисиндан махрум килингон миллионларча мазлума хамшираларимизни химоя этмак йўлинда тилга олурлик бирор турли харакатда бўлолмадилар. Харакатсизликлари сабабли келар замондаки ўз болалари кошинда тарихий масъулиятда колажакларини бир даража эсларига хам тушурмадилар...

Иншооллох, биз мундан сўнг хотун-кизлар хакинда ёзилгон маколаларга газетамизда мамнуният ила ўрун берармиз. Хотунларни химоя ва кизларни тарбия этмак чоралари тўғрисидаги хусусий фикримизни хам газетамизнинг келаси ракамлариндан бирисинда ёзармиз.

«Меҳнаткашлар товуши», 1918 йил, 28 июнь

[1] Мухаррир Убайдулла Асадуллахўжаев бўлган. — Н. Н.